

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Бошқарув раисининг
“04” июл 2022 йилдаги
647- - сон буйруғига 3-илова

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига алоқа каналлари
орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни
қабул қилиш ва кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Жамият раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Жамиятга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

муурожаатчи – алоқа каналлари орқали Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги коррупциявий хаттиҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый

характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият ва унинг тизим ташкилотлари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

таалуқли хабар – Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

тизим ташкилотлар – Жамиятнинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмалари.

4. Жамият коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Жамиятнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш)га ҳаққи йўқ.

Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Жамият унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Жамият алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

муурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

муурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Жамият томонидан муурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Жамият айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Таалуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebookдаги расмий саҳифаси (<https://www.facebook.com/uzrailway>)) орқали;

Ташкилотнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Ташкилотнинг телеграм боти (@_____ _bot) Ташкилотга оғзаки (шахсан) муурожаат қилиш;

ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Жамият алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

7. Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси (кейинги ўринларда – Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси) Жамиятнинг алоқа каналларидан келиб тушган коррупциявий ҳаракатларга оид хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Жамиятнинг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг

мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Жамият бошқарув раисига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;
Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун **Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси масъул ходими тайинланади.**

Бунда, таалукли хабар келиб тушганда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Жамият бошқаруви раисига киритади.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади.

Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунда аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфиденциаллигини билдиради.

Мазкур маълумотлар таалукли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Жамият бошқаруви раиси таалукли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига топшириқ туширади.

12. Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси таалукли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Жамиятда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Жамият мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Жамиятнинг масъул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Жамиятга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

кўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

14. Жамият ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

15. Олинган хабарлар бўйича барча таалукли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

16. Таалукли хабар Жамиятнинг тизим ташкилотларига келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда тизим ташкилоти раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қилади, улар ўз навбатида ушбу хабарни Жамиятнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига юборади. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси олинган хабарни 4-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

17. Жамиятнинг тизим ташкилотлари ўзларининг Реестрини юритади.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

18. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига келиб тушган барча таалукли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Жамият бошқаруви раиси топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

19. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалукли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

20. Таалукли хабар келиб тушганда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалукчилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Жамият тизимига таалукли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

21. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

22. Агар Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими хабар таалуқли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Жамиятнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

23. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

24. Таалуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Жамиятга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

25. Мурожаатга жавоб Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан тайёрланиб, ташкилот раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

26. Таалуқли хабарларни кўриб чиқиш яқунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

27. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади (аноним мурожаатлардан ташқари).

5-боб. Ҳисобдорлик

28. Реестрдан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган Жамиятнинг тегишли бошқа таркибий бўлинмаларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Жамият бошқаруви раиси ёки Жамият бошқаруви раисининг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

29. Реестр маълумотлари асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ҳар чоракда Жамият бошқаруви раисига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга таалуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалуқли хабарлар ва кўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;
кўриб чиқиш муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;
таалуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;
мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-боб. Яқуний қоида

30. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

31. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки Жамиятнинг ички ҳужжатлари ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

